



International Conference on Economics, Finance, Banking and Management

Hosted online from Paris, France

Website: econfseries.com

24th December, 2024

ИПАК ҚУРТИ МАҲСУЛДОРЛИГИНИНГ КАПАЛАКЛАР ХАЁТЧАНЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

к.х.ф.ф.д.(PhD) У. С. Худайбердиева

Тошкент давлат аграр университети Ипакчилик

ва тутчилик кафедраси доценти,

Аннотация

В данной статье, речь идет о корреляции основных показателей в том числе о коэффициенте изменчивости и продуктивности бабочек самок с продолжительностью их биологической жизни, о способах применения эти качества в селекции тутового шелкопряда и гренопроизводстве.

Ключевые слова: кокон, шелконосность, порода, гирид, селекция, генотип, корреляция, жизнеспособности, экстерьер, популяция, градация, линия.

Summary

In given to article, the question is correlations of the leading indexes including about factor of variability and productivity butterfly females with length their biological life, about way of the using these quality in breedings of the silkworm and egg productions.

Keywords: cocoon, sericulture, sort, hybrid, breeding, генотип, correlation, viability, exterior, population, gradation, line.

Сифатли ва мўл пилла ҳосили этиширишда ипак қуртининг серҳосил, ипакчанлиги ва технологик хусусиятлари юқори бўлган зот ва дурагайларининг аҳамияти катта. Ҳар бир ҳудудга мос зот ва дурагайларининг яратилиб ишлаб чиқаришга жорий этилиши эса мўл пилла ҳосилига замин яратади. Бу ишда албатта шу пайтгача мавжуд бўлган ва ипак қурти селекциячилигига, илмий асосланган янги услубларнинг роли жуда каттадир. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, тут ипак қуртининг етакчи хўжалик қиммати белгилари полигенлар таъсирида рўёбга чиқади. Шунинг учун



E CONF SERIES



International Conference on Economics, Finance, Banking and Management

Hosted online from Paris, France

Website: econfseries.com

24th December, 2024

зотларни кўпайтиришнинг ҳар бир босқичи ва селекция жараёнида насл учун энг кучли генотипларни танлаш ва авлодма-авлод наслли материал кўрсаткичларини ошириб бориш талаб этилади, акс ҳолда зотлар популяциясида маҳсулдорлик ва ҳаётchanlik белгиларини пасайиб бориши кузатилади.

Ипак қурти селекцияси ва наслчилигига наслли авлоднинг ҳаётchanлиги, пилла маҳсулдорлиги селекционерларнинг эътибор марказида бўлиб келган ва ҳар қандай янги селекцион тизимлар яратиш учун энг аввал белги ва хусусиятларнинг коррелятив боғлиқлиги, ўзгарувчанлиги ҳамда ирсийланиш хусусиятини тадқиқ этиш ва ана шу параметрлар асосида селекция режасини тузиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Селекцион белгилар ичида қўплаб маҳсулдорлик, ҳаётchanlik, репродуктив белгилар чукур ўрганилган, аммо ипак қурти капалакларининг яшаш давомийлиги деярли ўрганилмаган. Ушбу муҳим ва селекция жиҳатидан қизиқ хусусият ўзгарувчанлигини ва етакчи хўжалик қиммати белгилари билан ўзаро алоқадорлигини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳозирги даврда долзарб илмий йўналишлардан ҳисобланади.

Мазкур мавзу бўйича кузатишларимизда тут ипак қурти она капалакларининг ҳаёти давомийлигини ўзгарувчанлик коэффициенти, маҳсулдорлик ва ҳаётchanlik белгилари билан ўзаро коррелятив боғлиқлик даражаси аниқланди. Олинган илмий натижалар эса тут ипак қурти генетикаси ва селекциясининг назарияси учун катта аҳамиятга эга бўлиб, янги зот ва дурагайлар яратиш бўйича олиб бориладиган селекция ишларида самарали танлаш усуllibарини қўллаш имконини яратади. Шунингдек олинган натижалар анча сермаҳсул, ҳаётchanлиги юқори зотлар яратиш бўйича олиб борилган селекцион тадбирларда ҳамда наслчилик корхоналарининг оиласалар питомнигида ҳам қўлланилиши мумкин.

Тут ипак қурти селекцияси ва наслчилик иши бўйича бир қатор олимлар чукур ва кенг қамровли изланишлар олиб борганлар (А.М.Сафонова, У.Н.Насириллаев, Б.У.Насириллаев, С.Н.Наврузов). ушбу олимлар ипак қуртининг пилла маҳсулдорлиги, ҳаётchanлиги ва технологик белгиларининг ўзгарувчанлиги, ўзаро боғлиқлик даражаси ҳамда ирсийланишини турли зот



E CONF SERIES



International Conference on Economics, Finance, Banking and Management

Hosted online from Paris, France

Website: econfseries.com

24th December, 2024

ва селекцион тизимлари популяцияларида чукур тадқиқ этганлар. Хусусан ипак курти капалакларининг экстеръери ва тана ўлчамлари ҳамда ҳаётчанлиги, пуштдорлик, пилла маҳсулдорлиги белгилари билан коррелятив боғлиқлиги даражаси С.Н.Наврузов томонидан атрофлича ўрганилган ва тегишли хулосалар қилинган. Бироқ эришилган қатор илмий натижаларга қарамай она капалакларнинг ҳаёти давомийлиги, ўзгарувчанлиги ва унинг етакчи хўжалик қиммати белгилари билан ўзаро алоқадорлиги муаммолари етарлича тадқиқ этилмаган.

Тут ипак қуртининг Линия 27 селекцион тизими ва Марварид зоти урғочи капалакларининг ҳаёти давомийлигининг ўзгарувчанлиги ва хўжалик қиммати белгилари билан боғлиқлик даражасини тадқиқ этиш, олиб борган ишимизнинг предмети ҳисобланади. Ҳамда бунинг учун қуйидаги вазифаларни белгилаб олдик:

1. Линия 27 селекция тизими ва Марварид зотининг урғочи капалаклари ҳаёти давомийлигини аниқлаш;
2. урғочи капалаклар ҳаёти давомийлиги ўзгарувчанлигини аниқлаш;
3. селекцион тизим ва зот популяцияларида урғочи капалаклар ҳаёти давомийлиги белгиси бўйича градациялар тузиш;
4. градациялар бўйича репродуктив, ҳаётчанлик, маҳсулдорлик ҳамда технологик кўрсаткичларни аниқлаш;
5. урғочи капалаклар ҳаёти давомийлиги ва репродуктив, ҳаётчанлик ҳамда пилла маҳсулдорлиги белгилари ўртасидаги коррелятив боғлиқлик даражасини аниқлаш.

Биз ўз тадқиқот ишимизнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, урғочи капалакларнинг уруғ ташлагандан сўнг ҳаёти давомийлиги белгисини аниқлаш учун бир-биридан пилла шакли ва вазни бўйича фарқ қилувчи йирик пиллали ва юмалоқ шаклга эга Марварид ва узунчоқ пиллали ва вазни ўртacha бўлган янги, технологик хусусиятлари юқори бўлган Линия 27 тизимини танлаб олдик. Олинган ва олинадиган натижалар фақат бир хил зотга тегишли бўлмаслиги учун биз турли зотлардан фойдаланишга қарор қилдик. Юқоридаги зот ва тизимлар районлаштирилган Олтин водий 1, Олтин водий 2



E CONF SERIES



International Conference on Economics, Finance, Banking and Management

Hosted online from Paris, France

Website: econfseries.com

24th December, 2024

ва давлат синовларидан ўтаётган Мусаффо тола 1 ҳамда Мусаффо тола 2 саноатбоп дурагайларини ташкил этувчи зотлар хисобланади.

Бизнинг икки хил зотларда олиб борган тадқиқотларимиз натижалари тут ипак қуртининг селекция жараёнида узоқ яшаган урғочи капалаклардан авлод олиш кейинги авлодда ҳаётчанлик ва пилла маҳсулдорлик белгиларини янада ошириш мумкинлигини исботлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Насириллаев У.Н., Насириллаев Б.У. Тут ипак қурти генетикаси ва селекцияси. //Монография.- Ташкент, 2019.- ТИТИ -С 3-4-б.
2. Дехканов М.Д. Влияние плодовитости бабочек и физиологического брака в кладках на жизнеспособность и продуктивность шелкопряда //Автореф. дисс...канд .с.х.наук. - Ташкент, 1971. - С.32-34.
3. Азизов Б.С. Разработка метода отбора семей тутового шелкопряда, сочетающих в генотипах повышенные показатели шелковой продуктивности и плодовитости. //Автореф. дисс. канд. с. х. наук.- Ташкент, 1999. - С. 13-16
4. Туйчиев Ж.Ш. Разработка способов повышения наследственных и продуктивных свойств промышленной грены тутового шелкопряда. Автореф. дисс...канд. с.х.наук. - Ташкент, 2001. 21-с.
5. Наврузов С.Н. Разработать способ отбора бабочек самок способствующий повышению шелковой продуктивности и плодовитости тутового шелкопряда: Автореф. дис... канд. с-х.наук.- Ташкент, 1999.-С.25-32.